

METHODS OF MAKING WORDS IN FAIRY TALES (ALLITERATION, RHYTHM, ASYNDETON, POLYSYNDETON, INVERSION, LEXIC-SEMANTIC REPEATS, ANAPHORA, EPYPHORA)

Israilova Sayora Tashpulot Kyzy
Scientific Researcher, ЎзДЖТУ

Annotation.

This article explains the methods of word play in fairy tales, i.e. the use of means that create ambiguity, synonymy, homonymy, or sound similarity in words in order to give a funny, touching character to the events in the fairy tale.

Keywords:

Polysemy, alliteration, rhythm, epiphora, lexical-semantic repetition, anaphora, fairy tale

Замонавий тилшуносликнинг кўпгина соҳаларида, хусусан, эртакшуносликда сўз ўйини ҳосил қилиш тўғрисида мулоҳазалар қилиб келинмоқда. Айтиш жоизки, сўз ўйинлари, бадий-стилистик воситалар деганда, асардаги воқеаларга қулғили, таъсирчан характер бағишлаш мақсадида кўпмаънолилиқ (полисемия), синонимлик, омонимлик ёки сўзлардаги товуш ўхшашлиги асосида юзага келувчи воситалардан фойдаланиш тушунилади.

Сўз ўйини, асосан, вербал коммуникатив бирликлар, товушлар тили орқали ҳосил қилинади (яъни товушлар такрори, бир хил ёки ўхшаш товушлар концентрациясининг ортиши). Жумладан, уйғунликка асосланган сўзлар қуйидаги турларда бўлиши мумкин:

- а) ўхшаш ундош товушларни битта семантик контекстда таққослаш;
- б) ибора, турғун бирикма ва халқ мақоллари таркибида қотиб қолган бир сўзнинг бошқа бир сўз билан алмаштирилиши (яъни бунда айнан алмаштирилган сўз эвазига клишелар юзага келади);
- д) сўзнинг инсон онгидаги (одатда нотўғри) этимологияси;
- э) турғун бирикманинг парчаланиши ва қайта кўриб чиқирилиши

Эртаклар тилида учрайдиган стилистик воситалардан бири бу **аллитерация** бўлиб, бир хил, ёхуд ўхшаш товушларнинг битта семантик контекстдаги кетма-кет келган камида иккита сўз бошида такрорланиб келиши ушбу ҳодисани юзага келтиради, масалан, инглиз тили нуктаи назаридан, ***misty moor*** (туманли ботқоқлар) да **[m]** товуши, *silver swamp* (кумуш ботқоқлик) да **[s]** товуши.

Масалан.: The Elfin from the **green grass** (...) - Edgar Allan Poe

I murder hate by **field or flood** (...) - Robert Burns

I just had eighteen **straight scotches**. I think that's the record. - Dylan Thomas

Эртакларда ҳам худди шундай уйғун товушлар асосида юзага келувчи ҳолатлар кўплаб кузатилади. Масалан:

“When dinner time drew nigh, Cathrine took a nice steak, which was all the meat she had, and put it on the **fire to fry**.”

Таржима: “Кечки овқат пайти яқинлашганда Катрина бисотидаги бир парча гўштни олиб, қовуриш учун оловга қўйди.

“Hans **sometimes scolded**, but she was always beforehand with her tongue...”

Таржима: “Ганс баъзида уни қойиб берарди, аммо у нукул узун тили билан олдин гап бошларди...”

Юқоридаги мисолларда **[f]** (fire, fry), **[s]** (sometimes, scolded) товушлари орқали аллитерация ҳодисаси содир бўлган. Кўриб турганингиздек, таржима қилинаётган тилда аллитерацияга эришиш мумкин эмас.

Демак, аллитерация – бу эртақлар тилида тез-тез такрорланиб турувчи ходиса бўлиб, унга (унли ёки ундош) ўхшаш товушларнинг кетма-кет сўзлар таркибида такрорланиши киради.

Кўриб турганингиздек, инглиз адабиётида аллитерация фонетик-стилистик воситасидан жуда ҳам унумли фойдаланилади, аммо ўзбек адабиёти, хусусан эртақлар тили учун бу унчалик хос хусусият эмас.

Эртақлар тилининг яна бир ўзига хослиги матнларнинг ўзаро қофияли эканлигидадир. Кўпинча, эртақ тилида қофиянинг саж, яъни насрдаги сўзларнинг қофиядошлиги усули қўлланилади. Бунда қофияга олинган сўзлар, асосан, муҳим маъно касб этмайди, эртақлар таржимасида ҳам айнан шу сўзлар орқали қофия ҳосил қилиш мушкул. Ака-ука Гриммлар эртақларида қофия (rhymes) ва такрор (repetitions) ларга қўшлаб дуч келишимиз мумкин:

“Hither, hither, through the sky,
Turtle-doves and linnets fly!
Blackbird, thrush, and chaffinch gay,
Hither, hither, haste away!
One and all, come help me quick,
Haste ye, haste ye, — pick, pick, pick!”

Ушбу **sky—fly, gay—away, quick—pick** сўзлари ўзаро қофиядош ҳисобланиб, бунда қофиянинг бирмунча эркин аа-бб-сс каби тури қўлланилган. Шунингдек, айни парчада сўзлар такрорига (**Hither, hither; haste, Haste ye, haste ye; pick, pick, pick**) ҳам дуч келамиз ва бу, ўз навбатида лескик такрор (**repetition**) ларни юзага келтиради. Ушбу воситалар воқеага маълум бир ҳамоҳанглик асосида юзага келувчи кулгили эффект беради.

Ўзбек эртақларида қофия сўз ўйини ҳосил қилишда эмас, балки эртақнинг композицион қурилишини таъминлашда қўлланилади, хусусан, эртақларнинг бошланма ва тугалланма қисмлари ўзаро қофиядош тарзда бўлади.

Эртақлар тилида эмоционал-экспрессивликни кучайтириш мақсадида **синоним сўзлар**дан ҳам унумли фойдаланилади:

“The first man giggled, the second man chuckled, and the third man chortled.”

Таржима: (эркин таржима) “Биринчиси хиринглади, иккинчиси жилмайиб кўйди, учинчиси эса нимтабаассум билан чекланди.”

Ушбу парчадаги **giggle, chuckle** ҳамда **chortle** сўзлари орқали **smile**, яъни кулмоқ сўзининг синонимик қаторидан унумли фойдаланилган. (қаранг: **кулмоқ, илжаймоқ, жилмаймоқ, тиржаймоқ, иржаймоқ, иршаймоқ, иишаймоқ, хохоломоқ**).

Шунингдек, эртақлар тилида синоним сифатлардан фойдаланишга асосланган сўз ўйинидан ҳам кенг фойдаланилади:

“My name”, said Thag, “is Thag”.

“A lovely name”, said Wag.

“A charming name”, said Gag.

“A truly gorgeous name”, said Jag.

Тарж.: (эркин таржима)

“Менинг исмим” – деди Таг – “Таг”.

“Чиройли исм,” – деди Ваг.

“Мафтункор,” – деди Гаг.

“Ҳақиқатан ҳам ажойиб исм,” – деди Жаг.

Шуни таъкидлаш керакки, юқоридаги мисолда сифатлар синонимиясидан ташқари бир хил унли ва ундош товуш билан тугайдиган образ номлари орқали ҳам таъсирчанликни оширишга эришилади: Тэг, Уэг, Гэг, Джэг.

Юқоридагилардан ташқари эртақ матнларида бадиий-стилистик жиҳатдан таъсирчанликни ошириш мақсадида лексик ва синтактик такрорлардан ҳам фойдаланилади: бунда маълум бир сўзлар, сўз бирикмалари ёки бутун бир жумла ҳам такрорланиб келиши

мумкин. Бундан ташқари, сўз бирикмалари, сўзлар ва гапларнинг ўзаро турли усулларда боғланиши орқали ҳам юзага келувчи воситалар — параллел конструкциялар бўлиб, булар **асиндетон** ҳамда **полисиндетон** синтактик стилистик воситалари ҳисобланади. Асиндетон воситасида боғланган бирикмалар ҳеч қандай боғловчи сўз ёки қўшимчаларсиз, оҳанг ва маъно жиҳатдан боғланади ва эртак матнига ўзгача ритм ҳамда интонация бағишлайди. Полисиндетон эса гапларни, гап таркибидаги ибора, сўз бирикмалари ҳамда сўзларни ўзаро боғлашда бир хил боғловчи сўзлар ёки предлоглардан такрорий равишда фойдаланишдир. “Синдерелла” эртагидан олинган ушбу парчада ҳам айнан полисиндетон (AND) синтактик стилистик воситасидан унумли фойдаланилган. Масалан: “Then first came two white doves flying in at the kitchen window; **and** next came two turtle-doves; **and** after them all the little birds under heaven came chirping **and** fluttering in, **and** flew down into the ashes: **and** the little doves stooped their heads down **and** set to work, **pick, pick, pick**: and then the others began **to pick, pick, pick**; **and** picked out all the good grain **and** put it in a dish, **and** left the ashes.”

Таржима: (эркин таржима) “Ошхона деразасига аввал иккита оқ кабутар учиб келди; **ва** сўнг яна иккита булбул учиб келди; **ва** уларнинг ортидан осмондаги барча жажжи кушчалар пириллаб, чуғурлашиб учиб келишди-да кул устига қўнишди; **ва** жажжи кабутарлар бошларини эгишди **ва** **чўкилай-чўкилай** ишни бошлаб юборишди; **ва** шунда бошқа кушлар ҳам донларни **чўкилаб, чўкилаб** тера бошлашди; **ва** ниҳоят булар барча яроқли донларни териб, идишларга жойлаб бўлишди **ва** кулхонадан пириллаб учиб чиқиб кетишди.”

Эътиборли жиҳати шундаки, таржима жараёнида юзага келувчи маъно жиҳатдан ноқаниқлик ва ғализликлар туфайли барча боғловчиларни ўз ҳолида сақлаб қолиш мумкин эмас; юқоридаги мисол таржимасида ҳам AND / ВА бириктирув боғловчиси ўн марта эмас, ети мартаба сақланиб қолган ва бир ўринда —да боғловчи қўшимчаси орқали ифодаланган. Яна бир муҳим жиҳат шундаки, парчадаги **pick, pick, pick** такрори ҳам таржимада ҳар иккала ўринда ҳам уч бора эмас, икки бора чизикча орқали такрор сўз (**чўкилай-чўкилай; чўкилаб, чўкилаб**) сифатида қайталирган.

Эртак тилида коммуникатив ритмни юзага келтириш функциясини бажарувчи лексик-синтактик такрорлардан яна бири бу **анафора** бўлиб, бунда такрорлар, асосан, гап бошида келади. Анафоранинг **инфора** (гап ёки жумла ўртасидаги такрорлар) ҳамда **эпифора** (такрорлар гап ёки жумла охирида содир бўлади) каби турлари учрайди.

“**Back again! Back again!** Look to the shoe!

The shoe is too small, and not made for you!

Prince! Prince! Look again for thy bride,
For she’s not the true one that sits thy side.”

“**Bride, bride**, there thou art ganging!

Alas! Alas! If thy mother knew it,

Sadly, sadly her heart would rue it.”

Юқоридаги ҳар иккала парчада ҳам анафорик такрорларнинг гўзал намуналарига гувоҳ бўламиз (**Back again! Back again! Prince! Prince! Bride, bride; Alas! Alas! Sadly, sadly**).

“Bend not the bough;

He who bends it shall die!

Reel not the reel;

He who reels it shall die!”

Ушбу парчада эса **анафора** (He who) ҳамда **эпифора** (it shall die) ҳодисаларини кўришимиз мумкин.

Инглиз сеҳргарлик эртакларида учрайдиган яна бир муҳим ҳодисалардан бири бу стилистик **инверсия** бўлиб, бунда одатий сўз тартиби (S—P—O) стилистик мақсадларда (мантикий урғуни таъкидлаш ёки жумланинг ташқи маъносига эмоционал бўёқ бериш) ўзгартирилади:

S — V — O

“Early in the morning came the woman, and took the children out of their beds.”

Таржима: “Ерта тонгдан келиб аёл болаларни ётоғидан олиб чиқди.”

Демак, турли стилистик воситалар орқали амалга оширилувчи сўз ўйини техникаси сеҳргарлик эртакларида тез-тез учраб туради ва эртак матнига алоҳида оҳанг бахш этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. “Frederick and Cathrine” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 61-6.)
2. “Hans and his wife Grettel” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 176-6.)
3. “The king of the golden mountain” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 100-6.)
4. “Ashputtel” (Cinderella) (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 147-6.)
5. “Cat-skin” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 228-6.)
6. “Ashputtel” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 151-6.)
7. “The Goose-girl” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 130-6)
8. “Hans and his wife Grettel” (Grimms’ Fairy Tales. Printed by Blackie & Son Limited. London and Glasgow. 176-6.)
9. “Hansel and Gretel” (Grimms’ Fairy Tales. 112-6)